Катор ораларини ишлашдан максад: тупрокни юмшатиш, унинг озик, сув, хаво ва температура режимини яхшилаш хамда ерда нам туплаш ва шу йул билан усимликнинг нормал усиб ривожланиши учун кулай шароит яратишдир. Гуза катор ораларини ишлаш кенглиги ва чукурлигини тугри белгилаш мухимдир. Гуза тупларига шикаст етказмаган холда катор оралари кенгрок ишланса бегона утлар купрок нобуд булади. Тажриба участкамизда биринчи, иккинчи культивация ишчи органлар гузадан 7,5-8 см кочириб урнатилади. Гуллаш мевалаш даврида химоя зонасини 10-12 см килиб утказилади.

Гузалар 4 марта биринчи - экиш билан бирга, иккинчи шоналаш даврида, учинчи ва туртинчи гуллаш ва мевалаш даврларида тажриба хужалигида кабул килинган нормада азотли,фосфорли угитлар билан угитланади. Экиш даврида азот ва фосфорнинг йиллик меъёрини 15-20% берилди. Шоналаш даврида азотни 30% берилди. Гуллаш даврида эса азотни 30% ва фосфорни 15% берилди. Азотнинг колган 20% мевалаш даврида берилди. Угитларни тугри меъёр ва муддатларда бериш усимликнинг яхши усиб ривожланишига ката таъсир курсатади.

Гуза учун ургимчаккана, шира, тамаки триписи ва кемирувчилар-кузги тунлам,гуза тунлами,карадрина, чигирткалар жиддий хавф тугдирадиган зараркунандалардир. Тажриба участкамизда зараркунан - даларга карши 2 марта кураш чоралари утказилди. Биринчиси гуза гуллаш даврида шира ва ургимчакканага карши олтингугурт ОВХ – 14 мосламаси ёрдамида гузага пуркалди. Иккинчи марта августни охирида биринчи карши кураш чораси такрорланади.

Пахта терими 4 марта утказилди хар бир вариантнинг пахтаси алохида тортиб олинди.

**4.3. Полиз шираларини – Aphis gossipii биологияси экологияси, ривожланиш динамикаси ва табиий кушандалари**

2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги бошка йиллардан кескин фарк киладиган иклим шароитлар билан бошланди.

Бунга узок ва куп ёгган ёгингарчиликлар сабабчи булди. Окибатда, бегона утлар куплаб ва барвакт усиб чикди; агробиоценоз иштирокчилари эрта пайдо булди.

Бу йил паст буйли усимликларда шираларнинг, асосан полиз шираси, нуфузи шу кадар юкори булдики, гуза усиб чикканидан кейин нихоллар жуда зарарланди ва зичлиги оша бошлади.

Ширалар – Aphidinea, асосан тирик тугиб ривожланадиган хашоротдир.

Уларнинг купчилигида кеч кузда эркак зотлар пайдо булиб, урчиган ургочи зотлар тухум куйиб шу шаклда кишлаб чикади.

Аммо полиз шираси - Aphis gossipii Glov. хакида узгача фикрлар хам бор.

Бу хашорот асосан етук зот хамда личинка шаклида бегона утлар танасида кишлаб чикади.

Лекин М.Нарзикулов (1951) фикрича бу турга оид шираларнинг бир кисми кеч кузда тухум куйиб хам кишлаб колади. Шундай килиб, полиз шираси экологик мослашув окибатида янада мураккаб шаклларда

кишлаб чикади ва шунинг учун хам гуза ва бошка паст буйли усимликлар учун энг хафвли, энг кенг таркалган хашорот булиб колаверди.

Бир йилда 20-24 авлод бериб ривожланадиган бу хашорот мавсумда: бахорда ёзнинг ярмигача ва август охиридан – кеч кузгача сезиларли зарар етказиши мумкин.

Агар бахор ойларида усимлик нихолларини санчиб суриб заифлаштириб ривожланишдан оркада колдирса, кеч кузда усимликда очилган пахта толаларини танасидан ортикча чикариб юборадиган суюклиги билан ифлослантиради. Бундай усимлик ширасида сапрофид замбуруглар купайиб «кора шира » касаллигига дучор килади.

Куп далаларда гуза кучатининг 30-40% гача камайганлиги аникланди.

Сабабини махаллий мутахасислар « Кузги тунлам кесиб кетди » дейишса хам хакикатда ундай эмаслиги суратлардан хам куриниб турибди. Яъни, даладан йигиб олинган куриб колган нихолларнинг биронтасининг илдизи киркилмаган эди. Лекин барглари ширанинг куплигидан ковжираб колган.

Полиз шираси билан нихоллик даврида зарарланган гуза – 27,2%, шоналаш даврида эса 8,9% хосилни йукотар экан.

Синфланиш:

Arthropoda - типи

Insekta - синфи

Homoptera - туркуми

Aphidinea  - ширалар

Aphis gossipii Glov – полиз шираси.

**4.**

Полиз шираси – канотсиз ургочи.Танаси ноксимон 1,20–2,10 мм, муйловлари танасидан киска. Бахор ва кузда танаси сарик – кук, гохо кора – яшил рангда булади.ёз пайтида танаси кора булади.боши, кукраги, найчалари кора рангда, личинкалари ургочиси катта битга ухшайди факат кичикрок, ранги ёрикрок.

Фермер хужалиги шароитида Марказий Осиё ва Козогистон шароитида битлар киш пайтида дарахтларда яшайди. Кишдан 10-12 градус иссик хароратда кузгалади. Кузгалган битлар кичик дарахтларга кучади.Маълумотларга кура пахта ёки полиз бити Узбекистон шароитида 20–24 авлодни утайди.

Бизнинг институтимиз кандидатлари усимликларни химоя килишда куп ишлар, килдилар, пахта бити айрим йиллари Андижон вилояти шароитида 22 даврни утади.

Фермер хужалигимиз шароитида у 17–18 даврини (2012-2013 й) утади.

Полиз шираси Узбекистон шароитида туликсиз формага эга.Икки жинсли авлоди йук.Ургочи пата бити тирик личинкалар тугади, аммо тухум куймайди. Агар тухум куйса хам тез орада улиб кетади. Бунга сабаб нима ? Биринчи озука усимлиги йуклиги, шунинг учун хам пахта бити тула формага эга эмас.Улар туликсиз йули билан купайиб ривожланади.

**5.**

Шундай килиб ургочи полиз шираси генетик йул билан, эркагисиз тирик личинкалар тугади. Уртача битта ургочи полиз шираси 35 та личинкага тенг. Купайиши иссиклик, намлик, озукаларга боглик. Масалан: полиз шираси май ойида 25 личинка, июнда 33, июл – август ойларида 40 тага тенг.Битта ургочи шираси 69 личинкага тенг.

Лабаратория шароитида полиз шираси 51 даври, табиатда 22 авлоддан купроги аниклангани йук.

Уртача ургочи ширасининг яшаш даври 14–15 кун. Бу давр 8 дан 34 кунни ташкил килади. Бунга иссиклик, намлик, озикланиш ва бошкалар сабаб булади.

Ривожланиши 10-12 градус минимум температурада туради, максимум 26–30 градус. Полиз ширасининг купайиши бахор ёгингарчилиги 20–40 мм булганда ва 18–25 градус иссикликда

аникланишича 27–30 градусда озикланиш шароити ёмонлашади, купайиши камаяди, яшаш куни кискаради.

Фермер хужалигимиз шароитида, кишдан чиккан ширалар дарахтлардан май ойида гузага утади.Уларнинг сони бу даврда 8-10 тага етади, кейин битлар аста – секин купаяди ва июн ойига бориб 20-30 тага етади, июл ойида 15-24 та, августда эса 12-18 , сентябрда яна купаяди. Усиш даври июн ойида юкори чуккиси- иккинчи даври сентябр ойи.

Бошка холати усимликларда ва полизларда кузатилади. Полиз шираси бахор ва ёз ойларида купаяди.

Бахор, куз пайтларида биринчи совук тушганда канотли ширалар пайдо булади. Энди гузадан дарахтга утади, ургочи ширалар кишлашга кетади.

Полиз ширани купайиш сонини даврга караб авторлар турлича тушинтиришади. Масалан: Пекач, Степанцев ва Ф.М.Успенский метерологик факторларни катта ахамиятга эга эканлигини айтади. В.П.Невский ва В.В.Яхонтев – биологик ва физик факторларни, асосан ёввойи хайвонлар, зараркунандалар, овкатланиш режими ва бошкаларни курсатади. Бу хар иккала авторлар хам тугри фикр билдиришган. Сузсиз, хар битта шароитда, айрим факторлар асосий ахамиятлидир.

Полиз шираси куп усимликларда учрайди. Уларнинг тури 100 дан ортик. Бизнинг кузатишимизга караганда ва адабиётлар буйича ковун, тарвуз, ошковок, кизилча, ловия, кунжут, бодринг, гуза ва бошкаларда учрайди. Бу усимликларга ширалар зарар келтиради. Полиз шираси асосан гузанинг ёш нихолларига катта зарар келтиради.Зарарланган барглар буришади, баъзан тукилади, кейинчалик гули тукилади. Пахта хосилининг нобудгарчилиги 20% ва ундан купни ташкил килади. Узбекистон республикасида уртача нобудгарчилик 3,5% ни ташкил килади.

Кузда сентябр ойида ширалар хосилга катта зарар етказади. Намлик таъсирида кукунсимон кузикорин толани ифлослантиради. Бундай толани сифати бузилади, буни халк тилида «кора шира» номи билан аталади. Ундан ташкари полиз шираси адабиётлардан маълумки вирусли касалликларни хам келтириб чикаради.

Мен битирув малакавий ишимни Наманган вилояти Норин туманидаги «Фахридиннинг икболи» номли фермер хужалигида олиб бордим.

Бизнинг фермер хужалигимизда асосан пахта экиб етиштирилади шундай экан фермер хужалигимизда гуза ва бошка экинларга тушадиган касаллик ва зараркунандаларга карши курашда кимевий перепаратлар билан бирга усимликларни биологик усулда химоя килиш учун катта

ахамият берилган.Бу билан иктисодий жихатдан арзон экологик томонидан эса тоза усул булиб хисобланади.

Бизни шароитимизда полиз ёки гуза ширалари кам булсада гуза усишидан то хосил йигиб олингунча ривожланиб зарар келтиради. Полиз ёки гуза шираларини ривожланиш динамикаси куйидаги жадвалда курсатилган. Расм.4.3.1.

Зарарли ва фойдали хашоротларни ривожланиши, гуза ривожланиши билан богликдир. Шунинг учун гузани усиш ривожланишини хисобга олмай туриб хашоратларни ривожланишини ургана олмаймиз.

Тажриба майдонида чигит экиш 16 март куни амалга оширилди, 7-10 кун утгандан кейин гуза униб чика бошлади.

Тажриба майдонида гузани усиш ва ривожланиши куйидаги жадвалда курсатилган. Биринчи шоналаш май ойининг иккинчи 10 кунлигида пайдо булла бошлади. Июл ойининг биринчи 10 кунлигида шоналар сони максимум холатга етди ва улар уз урнини гулларга бера бошлади. Бу даврда бир усимликда уртача 20-22 дона шона борлиги кузатилди.

Гуллар хосил булиши июн ойининг иккинчи ун кунлигидан бошланди. Гуллар хосил булишини юкори чегараси июл ойининг иккинчи ун кунлигига тугри келди.

Биринчи кусаклар июл ойининг биринчи ун кунлигидан пайдо булла бошлади. Кусаклар тугиш сентябр ойининг охиригача давом этди. Аммо асосий хосил органлари июл ва август ойларида пайдо булди.

**Полиз шираларини ривожланиш динамикаси**

(1-усимликда дона)

4.3.1.Жадвал

| Кузатиш кунлари | 1-вариант | 2-вариант | 3-вариант |
|---|---|---|---|
| | Полиз ширалари сони (дона) | Полиз ширалари сони (дона) | Полиз ширалари сони (дона) |
| 10-май | 4,8 | 4,7 | 4,7 |
| 20-май | 19,4 | 18,4 | 19,8 |
| 1-июнь | 35,4 | 37,2 | 41,1 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | |
| 10-июнь | 33,2 | 8,6 | 4,1 |
| 20-июнь | 35,6 | 2,9 | 2,0 |
| 1-июль | 33,2 | 6,2 | 3,2 |
| 10-июль | 35,2 | 14,6 | 8,0 |
| 20-июль | 20,4 | 14,5 | 13,8 |
| 1-август | 13,4 | 6,5 | 6,1 |
| 10-август | 8,8 | 9,9 | 7,5 |
| 20-август | 14,9 | 12,2 | 12,5 |
| 1-сентябр | 17,2 | 12,4 | 18,4 |

Изох: 2-июнь 2013 йил гуза шираларига Вантекс 6% сус.к.(0,2 л/га) эритмаси ва Шерпа 25% эм.к.(0,2 л/га) препарати билан ишлов берилган.

Гуза усиб ривожланиб то хосил йигиб олингунга кадар гуза ширалари бир – бирини урнини алмашиб ривожланади ва зарар келтиради. Шуларни хисобга олиб биз тажрибамизни 2-3 вариантда гуза шираларини сонини чегаралаш учун гуза шоналаш даврида гуза шираларига 2-чи вариантимизда 6% сус.к. Вантекс (0,2 л/га), 3-чи вариантимизда 25% эм.к.Шерпа (0,2 л/га) препаратларини кулладик.



4.3.1. Расм полиз шираси - Aphis gossipii Glov

Хашоротларнинг куп турлари бошка хилдаги хашоротлар билан озикланади.

Уларнинг бу хусусиятидан усимликларни химоя килишда фойдаланиш мумкин, чунки зоофаг ёки энтомофаг хашоротлар асосан фитофаг зараркунандаларни киради.

Олтинкуз – Chrysopa varia, парда канотлилар туркуми – Hymenoptera, олтинкузлар оиласига - Chrysopidae мансуб.



4.3.2. Расм. Хонкизи-йирткич полиз шираси билан озикланади.

1.Полиз шираси- Aphis gossipii Glov

2. Етти нуктали хонкизи- Cocinella Septempunctata



4.3.3. Расм.Олтинкўз- Chrysopa carnea Stemp. Тухуми

**Полиз шираларини табиий кушандаларини ри вожланиш динамикаси**

(100 усимлик хисобида дона )

4.3.1. Жадвал

| Кузатиш кунлари | 1-вариант | | 2-вариант | | 3-вариант | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | хон кизи | олтикуз | хон кизи | олтикуз | хон кизи | олтикуз |
| 10-май | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 20-май | 7,1 | 1,2 | 8,1 | 2,0 | 5,9 | 2,1 |
| 1-июнь | 22,0 | 10,1 | 28,1 | 12,4 | 26,2 | 18,3 |
| 10-июнь | 38,1 | 15,1 | 35,3 | 26,2 | 33,4 | 18,5 |
| 20-июнь | 46,2 | 31,2 | 52,4 | 26,3 | 46,3 | 28,3 |
| 1-июль | 37,2 | 29,1 | 41,5 | 43,3 | 37,2 | 32,1 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 10-июль | 31,1 | 31,2 | 28,2 | 29,1 | 31,2 | 28,4 |
| 20-июль | 22,6 | 22,5 | 18,3 | 19,6 | 17,5 | 19,3 |
| 1-август | 23,6 | 15,5 | 27,4 | 10,6 | 21,2 | 13,3 |
| 10-август | 12,6 | 17,3 | 10,3 | 2,1 | 8,5 | 12,1 |
| 20-август | 12,1 | 13,1 | 34,2 | 7,1 | 14,9 | 9,8 |
| 1-сентябр | 8,9 | 4,4 | 16,2 | 4,4 | 11,2 | 6,7 |



4.3.5. Расм. Олтинкуз – Chryzopa carnea Steph. Личинкаси.



4.3.5. Расм. Олтинкуз – Chryzopa carnea Steph. Гумбаги.



4.3.5. Расм. Олтинкуз – Chryzopa carnea Steph. Имагоси.

## 4.4. Полиз шираларига карши кимёвий кураш чоралари

Зарар келтирувчи хашоротларнинг хиллари куп эмас. Улар бу жониворлвр тур таркибининг 5% ни хам ташкил этмайди.

Лекин, инсонлар устирадиган экинларга уларнинг салбий таъсири шу даражада юкори булиши мумкинми, уларнинг баъзилари устирилаётган усимликларни бутунлай йук, килиб юбориши мумкин.

Шу сабабдан, усимликларни зарарли хашоротлардан химоя килиш хозирги куннинг долзарб муаммоларидан булиб колмокда.

Усимликларни химоя килишдаги асосий вазифа зараркунандалар касалликлар ва бегона утлар туфайли келиб чикадиган хосил нобудгарчилигини камайтириш ёки хосилни бутунлай нобуд килмасликдан иборат.

Шунга карамай, ханузгача купгина хосил нобуд булади.

Бутун дунёда зараркунанда, касаллик ва бегона утлар туфайли хар йили хосилнинг карийб 35% и нобуд булади.

Зараркунандаларга карши курашда кулланиладиган воситалар кимёвий таркибига кура жуда хилма - хил булади.

I Вариант;

Хеч кандай препарат кулланилмади.

II Вариант;

Препарат, ишлаб чикарувчи фирма, мамлакат, кайта руйхатга олиш санаси:

Вантекс, 6% сус.к. «Кеминова А/С», Дания, 31.12.2012.

Сарф мери – 0,2 л/га.

Препаратдан фойдаланиладиган экин тури – гуза

Кайси зараркунандага карши ишлатилади – ширалар, гуза тунлами, ургимчаккана, окканот, трипслар.

Ишлатиш муддати, усули ва тавсия этилган чекловлар – усимликнинг усув даврида пуркалади.

Хосилни йигишга канча колганда ишлов тугалланади – 30 кун.

Бир мавсумда купи билан неча марта ишлатилади – 2 марта.

III Вариант

Препарат ишлаб чикарувчи фирма, мамлакат, кайта руйхатга олиш санаси:

Шерпа 25% эм.к. «Байер Кроп Саене», Германия, 31.12.2013.

Сарф меъёри – 0,2 л/га .

Препаратдан фойдаланиладиган экин тури гуза.

Кайси зараркунандага карши ишлатилади – ширалар, трипслар.

Ишлатиш муддати, усули ва тавсия этилган чекловлвр – усимликнинг усув даврида пуркалади.

Хосилни йигишга канча колганда ишлов тугалланади – 20 кун.

Бир мавсумда купи билан неча марта ишлатилади – 2 марта.

## 4.5 Биологик самарадорлик

Тажрибада полиз шираларига карши кулланилган кимёвий кураш услубларини биологик самарадорлигини аниклаш, кулланилган агротехник ва кимёвий курашни канчалик ширалар сонини камайтириши билан белгиланади.

Тажрибада кулланилган кимёвий курашни биологик самарадорлиги Гендерсон – Гилтон формуласи буйича ишлаб топилди.

Тажрибамизни 2 вариантида 2 июнь куни шираларга карши 6 % сус.к Вантекс (0,25 л/га) билан ишлов берилди. Бу даврда тажриба майдонида 2 вариантда бир усимликда 37,2 дона ширалар, 3 вариантда эса 41,1 дона ширалар борлиги аникланди.

Ишлов берилгандан сунг 10 июнь куни кайта кузатганимизда бир усимликда 2 вариантда 8,6 дона, 3 вариантда 4,1 дона ширалар колганлиги аникланди. Июл ойига келиб катта гуза шираси хисобига, ширалар сони бир оз купайди лекин зарарлилик иктисодий чегарасига етмаганлигини хисобга олиб кайта кураш чорасини олиб бормадик.

Кимёвий кураш кулланганда олинган биологик самарадорлик натижалари куйидаги 4.5.1 жадвалда курсатилган, 2 вариант - 76,88 % ва 3 вариант – 90,03 %

Полиз шираларига карши кулланилган агротехник ва кимёвий курашларни биологик самарадорлиги (% хисобида)

4.5.1 Жадвал

| | | | |
|---|---|---|---|
| Биологик самарадорлик (% хисобида) | -- | 76,88 | 90,03 |

| Вариантлар | Текшириш Кунлари | Воситаларни куллашдан олдинги заракунандалар сони (1 ўсимлик хисобида, дона) | Воситаларни куллагандан кейинги заракунандалар сони (1 ўсимлик хисобида,дона) |
|---|---|---|---|
| I Вариант | 2.06.13 | 37,3 | ---- |
| | 10.06.13 | ---- | 38,0 |
| II Вариант | 2.06.13 | 37,2 | --- |
| | 10.06.13 | --- | 8,6 |
| III Вариант | 2.06.13 | 41,1 | ---- |
| | 10.06.13 | ---- | 4,1 |

**5. Тажрибанинг иқтисодий самарадоролик кўрсаткичлари**

1) Хосилдорлик

1 вариант-30 ц

2 вариант-34 ц

3 вариант-38 ц

2) Қўшимча хосил

2 вариант 34-30= 4 ц

3 вариант 38-30= 8 ц

3) Пул даромади

1 ц пахтани ўртача сотишбахоси 229000 сўм

2 вариант 4 х 229000 =916000 сўм

3 вариант 8 х 229000 =1832000 сўм

4) Харажатларни хисоблаш

4.1. Ишлов бериш харажати

2.варинтда Вантекс препаратининг 6% ли сус.к. 0,2 л/га
. ишлатилган.1кг нинг бахоси 164 000 сўм

164 000 х 0,2 = 32800 сўм.

3.варинтда Шерпа препаратининг 25% ли эм.к 0,2 л/га сарфланди.
. 1 кг нинг бахоси 176 000

176 000 х 0,2 л/га =352000 сўм.

4. Иш хақи. 1000 м2 жойга ишлов бериш учун 3560 сўм тўланди

1000 м2 –3560 с

1000 м2 – х x = 35600 сўм

5). Хосилни териш учун 1 кг пахтага 190 сом тўланди.

2 вариант 400 кг х 190= 76000 сўм

3 вариант 800 кг х 190= 152000 сўм

5.1. Хосилни юклаш ва туширишга 1ц учун 2124 сўм тўланди.

2 вариант 4х 2124= 8496 сўм х 2= 16992 сўм

3 вариант 8 х 2124= 16992 сўм х 2= 33984 сўм

5.2. Хосилни ташишга 1ц учун 4240 сўм.

2 вариант 4 х 4240= 16960 сўм

2 вариант 8 х 4240=33920 сўм

6). Йил давомида хар бир вариантга ўртача 572388 сўмдан кўшимча .
. харажат килинган.

6.1. Жами харажат

2-вариант 32800+35600+76000+16992+16960+572388=750740 сум

3-вариант352000+35600+152000+33984+33920+572388=1179892 сум

6.2. Соф фойда

2 вариант 916000-750740=165260 сум

3 вариант 1832000-1179892 = 652108 сум

7) 1 сўм харажат хисобига олинган соф даромад

2 вариант 165260 : 750740 = 0,22 сўм

3 вариант 652108 : 1179892 = 0,55 сўм

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатгичлари.

5.1.Жадвал

| Кўрсатгичлар | Ўлчов бирлиги | 1 в | 2 в | 3 в |
|---|---|---|---|---|
| 1. Хосилдорлик | ц/га | 30 | 34 | 38 |
| 2.Қўшимча хосил | ц/га | - | 4 | 8 |
| 3. 1ц пахтани . сотиш бахоси | | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. Пул даромади | сўм | 229000 | 229000 | 229000 |
| 5. Жами харажат | сўм | - | 916000 | 1832000 |
| 6. Соф даромад | сўм | - | 754740 | 859092 |
| 7. 1 сўм харажат | сўм | - | 161260 | 972908 |
| хисобига олинган<br>. соф даромад | | | | |
| | сўм | - | 0,22 | 0,55 |

**Тажриба натижаларини математик тахлили**

**5.1.1 Жадвал**

| № | Вариантлар | Қайтариқлар (ц/га) | | | | Жами (ц/га) | Ўртача (ц/га) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | | |
| 1 | 1 вариант | 29,9 | 30,1 | 29,8 | 30,2 | 120 | 30,0 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |
| 2 | 2 вариант | 34,2 | 33,8 | 34,0 | 34,0 | 136 | 34,0 |
| 3 | 3 вариант | 38,1 | 37,9 | 38,2 | 37,8 | 152 | 38,0 |

## 6.Хулоса

МДХ мамлакатларида гуза билан 220 турдаги бугимоёклилар – Arthropoda озикланиб, шулардан 200 турдан купроги хашоротлардир. Узбекистон худудида эса 214 турдаги бугимоёклилар, жумладан 203 тур хашоротлар учрайди.

Наманган вилояти Норин туманида гузанинг асосий, кенг таркалган зараркунандалари поли зёки гуза шираси, беда ёки акация шираси, гузанинг катта яшил шираси ва бошкалар.

50 турдагилари эса ахён – ахёнда зарар берувчи потенциал зараркунандалардир. Аммо бу потенциал турлар хам маълум бир экологик мухитда гузанинг жиддий зараркунандаларига айланиши мумкин.

Бизни Норин туман, «Фахридиннинг икболи » фермер хужаликда полиз ширалари гузанинг асосий зараркунандаларидан хисобланади. Улар гуза чинбарг чикаргандан то хосил йигиб олингунга кадар кучли зарар келтиради.

Полиз шираси бахорда гуза чинбарг чикаргандан бошлаб, шоналаш давригача усимликни усиш ва ривожланишига катта зарар етказади. Ёзда эса усимликни хосил органларини тукади. Кузга келиб полиз ёки гуза шираси зарари натижасида пахта толаси ифлосланади.

Полиз шираси бахорда гуза чинбарг чикаргандан бошлаб, шоналаш давригача усимликни усиш ва ривожланишига катта зарар етказади. Ёзда эса усимликни хосил органларини тукади. Кузга келиб полиз ёки гуза шираси зарари натижасида пахта толаси ифлосланади.

Полиз ширалари усимликнинг усиш нуктаси ва баргларидан ширасини суриб, усишни 2 хафтага оркага суради, гузани холсизлантиради. Гуза барглари буралади, ранги узгаради, тукилади, пояси

кингир кийшик буладива айри шохлар хосил килади, пастки шохларида кусак хосил булмайди.

Полиз шираси тушган усимликнинг хосили 40% гача камаяди. Кузда полиз ширалари купайганда, улар ажратган шира пахта толасини ифлослаб ёпишкок килади ва замбуруглар ривожланишига сабаб булади, натижада тола сифати бузмлади ва уни ишлаш кийинлашади. Бундай усимлик ширасида сапрофит замбуруглар купайиб « кора шира » касаллигига дучор килади.

Бир йилда 20-24 авлод бериб ривожланади. Полиз шираси бегона утларда кишлайди.

Тажрибамизда полиз шираларига карши кулланилган 2 ва 3 вариантлар кимёвий курашни ( 2 вариант 6% сус.к., 0,2 л/га ва 3вариант 25% эм.к., 0,2 л/га ) биологик самарадорлик 76,88 ва 90,03% ни ташкил килди.

Кураш хисобига тажриба майдонидан назоратга нисбатан 4 ц/га

2 вариант ва 3 вариантимизда эса 8 ц/га кушимча хосил олишга эришилди.

Хар гектар хисобига 161260 ва 972908 сумдан соф фойда олишга ва 1 сум сарф эвазига 0,22 ва 0,55 сумдан соф фойда олишга эришилди.

Бир йилда 20-24 авлод бериб ривожланадиган, бу хашорот мавсумда: бахордан ёзнинг ярмигача ва август охиридан кеч кузгача сезиларли зарар етказиши мумкин.

## 7. фойдаланилган адабиётлар руйхати


1. Каримов И.А., Жахон молиявий – иктисодий инкирози, Узбекистон

шароитида уни бартараф этиш йуллари ва чоралари,Тошкент,2009,5-10б.

2.Каримов И.А., Узбекистон мустакилликка эришиш остонасида. Узбекистон, Тошкент,2011, 385,386 б.

3.Каримов И.А, Амалга ошираётган ислохотларимизи янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш- ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир, Ўзбекистон, Тошкент, 2013, 20-23б

4.Алимухаммедов С.Н., Ходжаев Ш.Т., Гуза ширалари ва уларга карши кураш , Узбекистон кишлок хужалиги ,Тошкент,1989, 29 – 30 б.

5. Абдуллаев З.Х., Гузани Зараркунанда , касалликлар ва бегона утлардан химоя килиш, Давлат кимё комиссияси, Тошкент, 2002, 23 -28 б.

6.Алимухаммедов С.Н, Кожевникова А.Г, Основные вредители хлопчатника их биологические особенности и устойчивость к ним некаторых сортов хлопчатника, «Илм – заковатимиз сенга она - ватан» мавзусидаги илмий амалий анжумани материаллари, 1 кисм (20.IV ), Фаргона, 2006,120-121 б.

7. Алимухаммедов С.Н., Хужаев Ш.Т., Гуза зараркунандалари ва уларга карши кураш чоралари, Тошкент, Укитувчи, ,21-24 б.

8. Бекмуродов А.Ш ва бошкалар Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Узбекистон мустакилликка эришиш остонасида китобини урганиш буйича укув – услубий кулланма, Укитувчи нашриёти-матбаа ижодий уйи , Тошкент, 2012,4-5 б.

9. Бегалиев С.Б., Сатторов Т.С., Кимсанбоев Х.Х., Гуза зараркунандалари ва уларнинг кушандалари , Тошкент, Укитувчи, 2010, 3-4б.

10. Брянцев Б.А.,Доброзракова Т.Л., Защита растений от вредителей и болезней, Издательство сельскохозяйственной литературы, журналов и плакатов, Москва, 1983, 56-80б.

11. Кожевникова А.Г., Алиев Ш.К., Исследование влияния густоты стояния хлопчатника на вредителей в условиях учебно – опытного хозяйства Андижанского сельскохозяйственного института, «Кишлок хужалигида илгор технологиялар, Андижон тажрибаси » мавзусидаги Республика илмий - амалий конференциясининг илмий маколалар туплами. (1 китоб), 2002,Андижон, 15-16 б.

12.Кожевникова А.Г., Влияние подплёночного посева хлопчатника на хлопковых тлей,АКХИ илмий-техник анжуман,Андижон,2009,28-31б.

13. Кожевникова А.Г.,Устойчивостьнового сорта хлопчатника «АКХИ -1» к некоторым видам подобряда тлей,Тошкент,2013,268-269 б.

14.Кожевникова А.Г.,Кодиров Б., Отамирзаев Н., Энтомофаги хлопкового агробиоценоза фермерских хозяйств Андижанской области, «Аграр ислохотларни чукурлаштириш ва фермер хужаликларини ривожланти - ришнинг устивор йуналишлари, Республика илмий - амалий анжумани» нинг маколалар туплами, Андижон нашриётиматбаа,2007, 375-377 б.

15. Кимсанбаев Х.Х., Халилов К., Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С., усимликлар уйгунлашган химоя килиш, услубий кулланма,Нур,1998,15 б.

16.Кимсанбаев Х.Х., Сулаймонов Б.А., Рашидов М.И.,Мирзалиева Х.Р., Тожиева М., Олтинкузни купайтириш, саклаш ва куллаш,услубий кулланма,Укитувчи, Тошкент, 1999,10 б.

17.Кимсанбаев Х.Х.,Сулаймонов Б.А.,Болтаев Б.С., Кишлок хужалиги экинлари зараркунанда, касалликларини хисобга олиш ва башорат килиш, Тошкент,2003, 11 б.

18. Кимсанбаев Х.Х., Сулаймонов Б.А., Ортиков У.,Улмасбоева Р.Ш.,

Болтаев Б.С., Гуза битлари, Зар калам – зиёкор,2005, 1 б.

19. Мирзалиева Х.Р., Биологической метод борьбы с вредителями

сельскохоз яйственных культур, Тошкент, 1986, 77-79 б.

20. Насритдинов К.Н ва бошкалар , Экологик тоза препаратлар олиш биотехнологияси , Фан,Тошкент, 2006, 3-16 б.

21.Насритдинов К.Н., Хлопковые тли, Узбекский биологический журнал,№3,Тошкент,1976, 8-10 б.

22. Рашидов М.И., Гуза ширалари ва унга карши кураш буйича тавсиянома,

Укитувчи,Тошкент,2002,3-21 б.

23.Сулаймонов Х.А. Изучения устойчивости различных сортов хлопчатника к болезням и вредителям в условиях учебно-опытного хозяйства Андижанского селсько хозяйственного института, «Фан ва амалиёт »,олий ва урта махсус таълим муассасаларининг ёш олимлари ва иктидорли талабалари анжумани материаллари,1 кисм ,Андижон,2004,25-28 б.

24. Сайдалиев Х.,Халикова М., Гузанинг сурувчи зараркунандаларга чидамлилигининг назари ва амалий жихатлари ,Фан,2009, 78-79 б.

25. Сулаймонов Б.А., Арипов Ш., Ортиков У.Д., Тоджиева М.И., Иссикхона зараркунандаларига карши биологик кураш усулини куллаш, кишлок

хужалигида экологик муаммоларни хал килиш, илмий - амалий анжуман материаллар туплами, Бухоро, 2003, 253 б.

26. Сулаймонов Х.А.,Вредители хлопчатника в условиях Джалакудукского

района Узбекский биологический журнал,№1,Тошкент,2010,21-26 б.

27. Эшматов Т.О., Сосущие вредители хлопчатника и их энтомофаги, Тошкент, 2009, 23-24 б.

28.Яхёкулов С.А., Меры борьби с тлями в условиях Ташкентского оазиса, Узбекистон кишлок хужалиги, №3, Тошкент, 2010, 23-28 б.

29.Яркова Н.П., Вредители сельскохозяйственных растений, Ко лос, Москва,2012,18-19 б.

30. Якубов М.М., Жураев С.Т., Норкулов О.Р., янги селекцион тизмалар -нинг тола чикими ва унинг сифат курсаткичларини Бахолаш, узбекистон кишлок хужалиги,№3, Тошкент,2014,21-22 б.

## 6.Хулоса

МДХ мамлакатларида гуза билан 220 турдаги бугимоёклилар – Arthropoda озикланиб, шулардан 200 турдан купроги хашоротлардир. Узбекистон худудида эса 214 турдаги бугимоёклилар, жумладан 203 тур хашоротлар учрайди.

Наманган вилояти Норин туманида гузанинг асосий, кенг таркалган зараркунандалари поли зёки гуза шираси, беда ёки акация шираси, гузанинг катта яшил шираси ва бошкалар.

50 турдагилари эса ахён – ахёнда зарар берувчи потенциал зараркунандалардир. Аммо бу потенциал турлар хам маълум бир экологик мухитда гузанинг жиддий зараркунандаларига айланиши мумкин.

Бизни Норин туман, «Фахридиннинг икболи » фермер хужаликда полиз ширалари гузанинг асосий зараркунандаларидан хисобланади. Улар гуза чинбарг чикаргандан то хосил йигиб олингунга кадар кучли зарар келтиради.

Полиз шираси бахорда гуза чинбарг чикаргандан бошлаб, шоналаш давригача усимликни усиш ва ривожланишига катта зарар етказади. Ёзда эса усимликни хосил органларини тукади. Кузга келиб полиз ёки гуза шираси зарари натижасида пахта толаси ифлосланади.

Полиз шираси бахорда гуза чинбарг чикаргандан бошлаб, шоналаш давригача усимликни усиш ва ривожланишига катта зарар етказади. Ёзда эса усимликни хосил органларини тукади. Кузга келиб полиз ёки гуза шираси зарари натижасида пахта толаси ифлосланади.

Полиз ширалари усимликнинг усиш нуктаси ва баргларидан ширасини суриб, усишни 2 хафтага оркага суради, гузани холсизлантиради. Гуза барглари буралади, ранги узгаради, тукилади, пояси

кингир кийшик буладива айри шохлар хосил килади, пастки шохларида кусак хосил булмайди.

Полиз шираси тушган усимликнинг хосили 40% гача камаяди. Кузда полиз ширалари купайганда, улар ажратган шира пахта толасини ифлослаб ёпишкок килади ва замбуруглар ривожланишига сабаб булади, натижада тола сифати бузмлади ва уни ишлаш кийинлашади. Бундай усимлик ширасида сапрофит замбуруглар купайиб « кора шира » касаллигига дучор килади.

Бир йилда 20-24 авлод бериб ривожланади. Полиз шираси бегона утларда кишлайди.

Тажрибамизда полиз шираларига карши кулланилган 2 ва 3 вариантлар кимёвий курашни ( 2 вариант 6% сус.к., 0,2 л/га ва 3вариант 25% эм.к., 0,2 л/га ) биологик самарадорлик 76,88 ва 90,03% ни ташкил килди.

Кураш хисобига тажриба майдонидан назоратга нисбатан 4 ц/га

2 вариант ва 3 вариантимизда эса 8 ц/га кушимча хосил олишга эришилди.

Хар гектар хисобига 161260 ва 972908 сумдан соф фойда олишга ва 1 сум сарф эвазига 0,22 ва 0,55 сумдан соф фойда олишга эришилди.

Бир йилда 20-24 авлод бериб ривожланадиган, бу хашорот мавсумда: бахордан ёзнинг ярмигача ва август охиридан кеч кузгача сезиларли зарар етказиши мумкин.